


Самад Мухаммад ДАМИН



ТИНИҚ ТУЙҒУЛАР



Самад Муҳаммад ДАМИН

Тиниқ туйғулар



Тошкент-2019

УЎК 821.512.133-2

КБК 84(5Ў)7

Д 22

Дамин, Муҳаммад Самад

Тиниқ туйғулар [Матн]: шеърлар / С.Дамин – Тошкент: Muharrir nashriyoti 2019. – 48 б.

ISBN 978-9943-6019-1-8

Бу тўпلامда одам ва олам, меҳр ва муҳаббат, садоқат ва диёнат каби мавзуларда равон шеърлар жамланган. Муаллиф ҳаётга чексиз меҳр билан, ҳайрат билан боқар экан, самимий ҳис-туйғуларини қуйма сатрларда ифода этади. Бу назм намуналари ўқувчи қалбига ҳам сирли оҳангдай ҳуш ёқади.

УЎК 821.512.133-2

КБК 84(5Ў)7

Тақризчи:

Эркин Зоиров,

фалсафа фанлари номзоди

ISBN 978-9943-6017-4-1

© М.Дамин
© “Muharrir nashriyoti”,
Тошкент, 2019

УМР

Умримиз қуёши уфққа яқин,
Эрта ажаб эмас чўкиб қолар шом.
Осмонимиз энди кўрмайди чақин,
Кезар бош устида бир шарпа мудом.

Не-не манзилларни кезиб ўтдик биз,
Битмаган юмушлар мингдан минг экан.
Йиллар поёнида демасмиз: эссиз...
Шукур, ўтмаяпмиз беном, бенишон.

ЮРАК

Юрак,
жажжигина юрак,
аламлардан эзилган юрак,
сени сўзсиз доим ғажирлар,
Қонинг сўриб, тирик ғажирлар¹
Эзиласан,
Кемриласан,
Борлиғингдан силқийди қонлар.
Соҳибингда қолмайди тоқат,
Сенда эса бардош топилар.
Сен бардошда, вужудинг титроқ,
Дод демайсан, чидайсан бироқ.
О, юрагим, қандай ўргандинг
Бардошларда яшашни фақат!

¹ Ғажир- йиртқич қуш.

ФАРИШТА ЭМАСМАН

Фаришта деб санамасман ўзимни,
Чиқиб ҳам кетмасман арши аълога.
Ёғлар босиб кетган эмас кўзимни,
Сиғиниб яшайман фақат Худога.

Сен билган нарсани, балки билмасман,
Ўзим билмаганим хатолар бордир.
Дунёда даҳолик даъво қилмасман,
Ёлғон ҳою ҳавас, бу менга ордир.

Баъзида дўстларни ранжитиб қўйиб
Пушмонда юрганман сўрамай узр.
Қайғуда қолганман ўртаниб, куйиб,
Билмаганман нима ҳаловат, ҳузур.

Тўрт кунлик дунёда юрибман ўлмай,
Оқни-оқ, қорани қора санадим.
Яшадим дўстларга хиёнат қилмай,
Қўлимга нон олиб, қасам ичмадим.

Тузоқ ташламадим бойликка, пулга,
Ночорлик қийнаган оғир дамда ҳам.
Кўзим тикдим фақат энг тўғри йўлга,
Бировдан ортмадим ва бўлмадим кам.

Менга ҳавас эмас олий насаб, шон,
Ва яна эмасман кимларгадир қул.
Ўткинчи дунёда мен ҳам бир меҳмон,
Эрк истаб ўтаман дунёдан буткул.

Ватаннинг қулиман, гадоман унга,
Боримни бахшида этаман ҳар чоқ.
Ҳеч нарса керакмас, етади менга
Озгина оқ сурпу, бир сиқим тупроқ.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4353> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4353> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4353>